

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар томонидан кўшма аксилтеррор ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 6 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда маъқулланган

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар томонидан кўшма аксилтеррор ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Битим (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 18 декабрь № УРҚ—504

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2018 йил 17 август) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 30 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2018 йил 17 август) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 18 декабрь № УРҚ—505

Бунёдкорлик

ИНСОН АРДОҚЛАНГАН ЖОЙДА АЗИЗ

Навоий вилоятидаги ўзгаришларга назар солсак, бу, энг аввало, одамларни узоқ йиллардан буён қийнаб келаётган муаммолар ўз ечимини топаётганида яққол намоён бўлади.



Масалан, уй-жой таъминотидаги ижобий ўзгаришларни олайлик. Сўнгги икки йилда 8 729 та оиланинг ўз тураржойига эга бўлгани, шундан 306 нафари ногиронлиги бўлган шахс ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган оилалар вакиллари эканлиги алоҳида диққатга сазовордир.

— Ўз уйинг бўлганига нима етсин, — дейди Навбахор туманидаги Бешработ маҳалласида истикомат қилувчи Мўмина Иноятова. — Уч оила ижарада туриб, жуда кўп қийинчиликларни бошдан ўтказди. Айниқса, фарзандлар улғайиб, набирали бўлгач, таъшишимизга ташвиш қўшилаверди. Мана, энди ҳаммаси ортда қолди. Бунга шукрона айтмай.

Ҳақиқатан ҳам, икки-уч йил аввал уй-жойдан қийналган киши, одатда, маҳаллий ҳокимиятларга

мурожаат қиларди. Жавоб эса ҳар доим бир хил — “имкони йўқ”. Ўзлари қуриб олиш истагидагиларга эса “ер участкаси аукционда сотилади, матбуот орқали хабар берамиз, кузатиб бориңг”, дейиларди. Қисқаси, юзлаб одамлар ўз юртида гўё мусофирчилик азобини тартиб яшар эди.

Мўмина Иноятованинг яшаш шароитини ўтган йили ўрганган ишчи гуруҳ уй-жойга муҳтож, деб топиб, маҳалла ҳудудида қурилаётган янги лойиҳадаги уч хонали хонадондан биттасини ажратди. Бошланғич бадал тўлови эса ҳомийлик асосида амалга оширилди.

Ўзининг янги уй-жойида бизни қутиб олганлардан яна бири Кармана туманидаги “Хўжа Хисрав” МФЙда яшовчи Тоштемировлар оиласидир. Уларнинг хонадонида тўрт оила истикомат қиларди.

— Уч кун бўлди, мана шу уйга кўчиб келганимизга, — дейди оиланинг тўнғич келини Мадина Якубова. — Ҳаммамиз шунақа хурсандимизки, асти қўяверасиз. Айниқса, болаларимнинг қувончи чексиз. Уларга шундай бахтни туҳфа этганлар уларнинг қалбига ёшлигиданоқ эзгулик уругини қадаб қўйди, десам, муболага эмас. Буни ҳеч қачон эсдан чиқармасликларига, бунга жавобан юртимизга муносиб фарзанд бўлиб вояга етишларига ишонаман.

Вилоятда аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш билан боғлиқ масала, шунингдек, турли ижтимоий қатлам вакиллари эҳтиёжларини қаноатлантириш орқали ҳам ўз ечимини топмоқда. Чунончи, биргина ўтган йилнинг ўзида раҳбар ходимлар учун 60 та, профилактика инспекторларига

209 та, ҳарбий хизматчиларга 84 та, Ёшлар иттифоқи фаоллари учун 48 та уй-жой қурилиб, вилоят бўйича жами 7 минг нафар фуқаронинг ўз тураржойига эга бўлиши таъминланди.

Вилоятда сўнгги икки йилда

8729 та оила ўз тураржойига эга бўлди.

2017 йилда:

раҳбар ходимлар учун 60 та, профилактика инспекторларига 209 та, ҳарбий хизматчиларга 84 та, Ёшлар иттифоқи фаоллари учун 48 та уй-жой қурилди.



Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида “Ёшлар уйлари” қурилиб, улар шижоатли, интилишлари билан тенгқурларига намуна бўлаётган ёш оилаларга имтиёзли кредитлар асосида берилмоқда. Бунинг натижасида алоҳида шахарчалар юзага келяпти.

Вилоятнинг Кармана туманида фойдаланишга топширилган “Ёшлар уйлари” ана шундай рағбат ва эътирофнинг ёрқин далилидир.

— Бу ғамхўрлик биз, ёшлар учун янги марралар сари қанот бўлиши билан бирга, ўз устимизда янада кўнгил билан ишлаш масъулиятини ҳам юқлайди, — дейди “Нихол” мукофоти совриндори Шерзод Шодиёв. — Кенг, шинам ва ёруғ хоналарда фарзанд тарбиялаб, вояга етказар эканмиз, албатта, улар шуурига Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини сингдириб, келгусида ўз салоҳиятларини кўрсатишлари лозимлигини ўқтирамиз.

Шу пайтгача вилоятда 280 та ёш оила мана шундай уйларга эга бўлиб, бахтли ҳаёт кечиряшмоқда. Яқинда Навоий шаҳрида яна бир “Ёшлар уйи” қурилиши улар сафини яна 48 та оиллага кенгайтди.



HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

Ўзбекистон ташаббуси тугайли жорий йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг яппи сессиясида инсоният учун жуда муҳим саналган тарихий ҳужжат қабул қилинди. “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция иштирокчи давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Ушбу янгиланган ҳужжатда хорижий оммавий ахборот воситаларида атрофича сўз юритилмоқда.

Испаниянинг “El Faro de Ceuta” газетасида чоп этилган мақолада 2017 йилнинг сентябрь



ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида иштирок этиб, кенг қамровли нутқ сўзлагани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси ўз қиёсида жаҳон ҳамжамиятига мамлакатининг янгилашган имиджини намоён этиб, ўзининг ислохотчи ва узоқни кўра биладиган давлат арбоби эканлигини исботлади, дейилади газетда. Шавкат Мирзиёев БМТ минбаридан туриб республикада экстремизм гоёлари таъсирига тушиб қолган, тўғри йўлдан адашган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш учун зарур шароитлар яратилаётгани ҳақида батафсил маълумот берган эди.

“Шавкат Мирзиёев сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағри-

кенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш тақдирини билан мурожаат этиб, қисқа муддатда ҳужжат лойиҳаси тайёрланди ҳамда у халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланди”, деб ёзилади “El Faro de Ceuta”да.

Ҳиндистоннинг “India Blooms” газетаси муҳбирлари ўқувчиларини қабул қилинган резолюция моҳияти ва аҳамияти билан батафсил таништиради.

Жумладан, “барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсиз-



лик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашиш” ҳужжатининг асосий мақсади сифатида кўрсатиб ўтилади. Ушбу резолюция, ҳиндистонлик журналистларнинг фикрича, бағрикенглик ва ўзаро хурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоялаш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка хизмат қилади. Мазкур ҳужжат Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва маърифат йўлида кураш соҳасида тўпланган таърибанинг халқаро даражада ёйилишига асос бўлади.

ЎЗБЕКИСТОНГА ЖАДАЛ ИСЛОҲОТЛАР СУРЪАТИГА МОС ИЛҒОР КАДРЛАР КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 декабрь куни мамлакатимизда замонавий кадрларга эҳтиёжни таъминлаш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Кейинги йилларда таълим тизимини такомиллаштириш, замонавий кадрлар тайёрлашга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Президент қарори билан 2017 — 2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди. Жорий йилда мамлакатимизда 13 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилди. Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишлари бошланди.

Албатта, бундай эътибор яқин келажақда ўз самарасини беради. Лекин барча соҳада жадал ислохотлар олиб борилаётган бир пайтда мамлакатимизга шу суръатга мос илғор кадрлар бугун ҳам керак.

Ҳозирги тизимли ўзгаришлар жараёнида аксарият мутахассисларнинг бунга тайёр эмаслиги, уларнинг билими, малакаси ва кўникмаси замон талабига жавоб бермаслиги аён бўлиб қолди.

Масалан, хорижда магистратура ва докторантурада ўқитиш, малака ошириш ва стажировка ташкил қилиш бўйича дастлабки эҳтиёж 3,5 мингдан ортади. Юртимизда халқаро илмий ва амалий таърибага эга 600 нафардан зиёд ватандошларимизга эҳтиёж мавжуд. 1000 га яқин хорижий олим ва экспертларни жалб этишга талаб бор.

Яъни бугун кечиктириб бўлмайдиган, од-

дий илмий ва илмий-педагогик кадрларга эҳтиёж 5 мингдан зиёдни ташкил этади. Агар ишлаб чиқаришдаги талаб ҳам инobat-га олинса, бу рақам камида 50 — 100 баробар ошади.

— Бу ҳали бугунги эҳтиёж. Яқин ва узоқ истиқболдаги иқтисодий ривожланиш нуктаи назаридан бизга қайси соҳа учун қандай мутахассис керак бўлади? Шунинг хозирдан чуқур ўйлашимиз, замон талаби, ислохотлар шиддатига мос кадрлар тарбиялашимиз керак. Келажагимиз, эртанги кунимиз бу масалани бугун қандай ҳал қилишимизга боғлиқ, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 сентябрдаги Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси ташкил этилган эди.

Жамғарма зиммасига ўзбекистонлик иқтидорли ёшларни магистратура ва докторантура дастурлари бўйича ўқитиш, турли соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш ва стажировкасини ташкил этиш, хориждаги ватандошлар билан доимий мулоқот ўрнатиш, уларни мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга жалб қилиш, чет элдаги университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликда юқори малакали кадрлар тайёрлашга кўмак бериш вазифалари юклатилган.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун 2019 йилда Давлат бюджетидан 45 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган. Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, бу маблағ янада оширилаётган бўлди.

Йиғилишда шу йўналишдаги ишларни тўғри ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Вазирлар Маҳкамасига “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан биргаликда барча вазирлик ва идоралар қисмида хорижда кадрлар тайёрлаш, стажировкасини ташкил қилиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармасига кадрларни хорижа юбориш бўйича устувор йўналишларни аниқлаш ва танлов эълон қилиш бўйича топшириқ берилди.

Жамғарма Ташқи ишлар вазирлиги, Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда хорижда катта таърибага эга бўлган ватандошларимиз тўғрисидаги маълумотларни шакллантириб бориши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мамлакатлар ва мутахассислар қисмида ватандошлар тўғрисида маълумотлар реестрини тезроқ ишга тушириши зарурлиги қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга жалб этилаётган ҳар қандай хорижий инвестициянинг маълум бир қисмини малакали мута-

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЮҚУМЛИ БЎЛМАГАН КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗINI ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ВА АҲОЛИНИНГ ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИГИ ДАРАЖАСINI ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2019 — 2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари Дастури (кейинги ўринларда — чора-тадбирлар Дастури) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Куйидагилар давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири этиб белгилансин — **ҳодимлар жамоасининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш мақсадида барча зарур шароитларни яратиш, ушбу вазифаларга эришишга қаратилган чора-тадбирларни мунтазам равишда ташкил қилиб бориш**.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг:

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Республика диетология ўқув-илмий маркази негизида давлат муассасаси шаклида **Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш марказини** (кейинги ўринларда — Марказ);

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳузурида юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда Марказнинг **худудий бўлиmlарини**;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ҳузуридаги “Саломатлик” марказлари негизида юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда Марказнинг **туман ва шаҳар бўлиnmаларини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. **Куйидагилар Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларига қарши курашиш ҳамда олдини олиш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, зарарли одатларга қарши курашиш, аҳолининг тиббий маданиятини ривожлантириш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий спорт ҳаракатини тиббиёт профилактикаси билан интеграциялаштириш бўйича оммавий тадбирларни ўтказиш;

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

аҳоли саломатлиги ҳолатини мониторинг қилишнинг ягона тизимини яратиш, замонавий ахборот ва инновацион технологияларини жорий этиш билан бирга умрни узайтириш ва саломатлиқни мустаҳкамлашга оид аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва тавсияларни татбиқ этишда кўмаклашиш;

умумэтироф этилган халқаро услублар асосида доимий популяция текширувлари ва юқумли бўлмаган касалликларнинг хавф омиллари бўйича сўровлар ўтказиш;

нотўғри овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва тарқалиши даражасини камайтириш, кенг кўламда тушунтириш ишларини ташкил қилиш ва аҳолининг соғлом турмуш тарзи гарови сифатида тўғри овқатланиш тарғиботини кучайтириш;

сифатнинг замонавий халқаро стандартларига мувофиқ озиқ-овқат махсулотларининг асосий турларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш;

таълим муассасалари билан биргаликда юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари юзасидан кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва узлуқсиз касбий ривожланиш бўйича тадбирларни ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш.

5. Белгилансинки:

Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш

вазирлигининг ташкилий тузилмасига киради ва унга ҳисобот беради;

Марказ, унинг худудий бўлиmlлари ва туман (шаҳар) бўлиmlларини (кейинги ўринларда — худудий бўлиnmалар) Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Республика диетология ўқув-илмий маркази ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ҳузуридаги “Саломатлик” марказларининг умумий штат бирикклари ва иш ҳақи фонди доирасида ташкил этилади;

Марказ ва унинг худудий бўлиnmалари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия ташкилотлари ва институтларининг грантлари ва кредитлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ҳузуридаги “Саломатлик” марказлари штат бирикчларини мўжбullaштириш ҳисобидан бўшаган маблағлар Марказ ва унинг худудий бўлиnmаларининг ҳодимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришда ушбу мақсадлар назарда тутилади;

Марказ аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, бошқа давлат бошқаруви органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

Марказ унга юқлатилган вазифалар доирасида вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларидан зарур статистик ва таҳлилий маълумотларни сўраш ва бепул олиш ҳуқуқига эга;

Марказни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор бошқаради;

Марказ директори меҳнатга ҳақ тўлаш шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош бошқарма бошлиғига тенглаштирилади.

6. Марказ ва унинг худудий бўлиnmалари ҳодимларининг чекланган умумий сони 838 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда Марказ ва унинг худудий бўлиnmалари низоmлари ва тузилмаларини тасдиқласин, бунда Марказ директорига, зарур бўлганда, тасдиқланган тузилмаларга ҳодимларнинг чекланган умумий сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзғартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йилнинг 1 декабрга қадар кенг доирада ўтказиладиган жамоатчилик муҳомаалари натижасида алкоголь ва тамаки махсулотлари истеъмолини чеклаш бўйича, шунингдек, куйидагиларни ўз ичига олувчи қўшимча чора-тадбирларни қабул қилсин:

алкоголь махсулоти идийшининг ёрлиғида ҳамда тамаки махсулотининг қутисида (ўровида) тиббий оғохлантиришларни жойлаштириш учун асосий майдон ўлчамини кенгайтириш;

тамаки махсулоти қутисида (ўровида) матнли ёзувлар ва расм тарзидagi тиббий оғохлантиришларни жойлаштириш;

алкоголь ва тамаки махсулотлари савдоси қоидаларига рмия этилиши устидан назорат олиб бoрувчи органларни ҳамда шундай назоратни олиб бoришнинг механизмларини аниқлаштириш;

жамoат жoйлари ва транспортнинг белгиланмаган жoйларида алкоголь ва тамаки махсулотлар истеъmoли учун жавoбгарлиқни кучайтириш;

жамoат жoйларида ва транспортнинг белгиланмаган жoйларида алкоголь ва тамаки махсулотлари истеъmoлини чеклаш мақсадида ваколатли шахслар томонидан (корхона, ташкилот, муассасаларнинг маъмуриятлари, шу жумладан, жамoат жoйларида жoйлашган иншоот, бино (иморат), бошқа oбъектлар ҳамда транспорт воситаларининг эгалари) чoралар қўрилимағани учун жавoбгарлиқни белгилаш.

англатади. Айни пайтда биз 1 185 ме-

гаватт кучланишдаги электр қувватини ишлаб чиқармоқдамиз ва бу биринчи кўрсаткич. Иккинчидан, энергоблоклари мадда юқори ҳавфсизлик даражаси таъминланган. Хусусан, аввалги ВВЭР-1000 сериясидаги энергоблокларнинг реакторлари билан солиштирганда, бунисида замонавий хавфсизлик технологиялари қўлланилган. Улар реактордан ка-фолатланган иссиқлик чиқариш, фавқу-лодда ҳолатларда шикастланишнинг олдини олиш, радиактив моддаларнинг аτροφ-мухитга тарқалмаслигини таъмин-лайди.

1200 мегаватт қувватга эга ВВЭР, яъни суви реактор 3+ авлодига ман-суб. Бу энг замонавий ядро техноло-гиялари қўлланилган мазкур реактор-нинг хавфсизлик даражаси бўйича бошқаларидан аққол устун эканини англатади. Гапнинг индalloсoни айтган-да, “пассив хавфсизлик тизимлари” ҳисoбига мазкур қурилма инсон арала-шувисиз ва хаттоки, электр тармоғидан бутунлай узилиб қолган тақдирда ҳам бир марoмда ишлайверadi. Лoйиҳанинг яна бир ўзига хoс xусусияти унинг икки қoбиқли химoядан иборатлиғидир.

Хавфсизлик атом электр станция-сининг барқарор ишлашини таъминлаб бeрyвчи иммун тизими бўлса, назoрат бошқарув бўлимини эса бутун бир йи-рқ корхoнанинг “бoш мия”сига ўхша-тиш мумкин. Тузилмадаги барча маълyмoт oқими айнан бошқарув пултига кeлиб тушади. Бу ерда фаoлият oлиб бoрадиган ҳoдимлар шунчaки мyтаxас-сис эмас, балки ўз касбининг профecсиo-налларидир.

Владимир ЛОБАНОВ,
Нововоронеж АЭСнинг
ўқув маркази директори:

— Ушбу ўқув марказида малакасини оширган мутахассислар айнан атом электростанциясининг бошқарув пулти-га ишга юборилади. Бу ерда барча технологик ўқитиш жараёнлари амалга оширилади. Назорат бошқарув пултига ўтирадиган ҳодим жуда мураккаб си-новлардан ўтишига тўғри келади. АЭС-да реакторларни бошқариш бўйича етачки мутахассис бўлиш учун марказ-

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) республиканинг барча бирламчи тиббий-санитария

ёрдами муассасалари амалиётига:

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг артериал гипертония, қандли диабет, бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва бошқа юқумли бўлмаган касалликлар бўйича клиник протоколлар, стандартлар ҳамда тавсиялар талабларини;

қўллаб-қувватловчи кураторлик тизими орқали тиббий хизматларнинг узлуқсиз баҳолаш ва сифатини ошириш механизмларини;

ҳар бир бемор учун юқумли бўлмаган касалликлар ва хавф омиллари бўйича саломатлик профилларини яратишни назарда тутган дастурий таъминотини татбиқ этсин;

б) озиқ-овқат махсулотларини таркибида ёғлар, туз ва қанд микдори юқори бўлган махсулотлар тоифасига киритиш мезонлари ва тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) таркибида ёғлар, туз ва қанд микдори юқори бўлган озиқ-овқат махсулотларини олиб кириш, ишлаб чиқариш (тайёрлаш), сотиш ва истеъмолини чеклаш бўйича тақлифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019/2020 ўқув йилдан бошлаб, Тошкент тиббиёт академияси магистратурасининг янги **“Нутрициология”** йўналишини очиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларида:

иш куни давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқлари; ҳафтасига камида бир маротаба ҳодимларнинг жисмоний тарбия-оммавий тадбирларда (югуриш, сузиш, футбол, волейбол, баскетбол, теннис ва бошқаларда) иштирок этишини назарда тутадиган **“Саломатлик куни”**;

мунтазам равишда ҳодимлар орасида оммавийлашган спорт турлари бўйича спорт мусобақалари ва бошқа жисмоний тарбия-оммавий тадбирлар ўтказиб бoрилиши амалиётга жорий этилсин.

11. Давлат органлари ва ташкилотлари технологияи, ишлаб чиқариш ва иш шарoитларидан кeлиб чиқиб, ҳoдимларига ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажариши учун иш вақтига киритиладиган махсус танаффусларни белгиласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

а) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

ишлаб чиқариш гимнастикасининг намунавий машқлар комплексини;

транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлиги ва масофани инoбатга олган ҳoлда корхoналар, ташкилотлар ва муассасалар ҳoдимларига шуғулланиш учун тавсия этиладиган спорт иншоотлари рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 апрелига қадар туман (шаҳарлар) бўйича зоналарга бўлиб ҳамда иш фаoлиятининг тавсияфлари, машгулолларнинг нархи, иш вақти ва бошқа маълумотларни келтириб ўтган ҳoлда, спорт иншоотларининг ягона базасини яратсин ҳамда интернет тармоғига жойлаштирилишини таъминласин.

13. Белгилансинки, давлат органлари ва ташкилотлари ҳoдимлари жамoасига соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаoлиғи даражасини ошириш учун барча зарур шарoитлар яратиш, шу жумладан, спорт oбъектларига шуғулланиш (қуриш, жиҳoзлаш) бўйича тадбирларни moлиялаштириш тeғишли давлат органлари ва ташкилотларнинг бюджетдан тaшқари маблағлари ва қoнун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисoбидан амалга oширилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиғи ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари

Халқ сўзи

2018 йил 19 декабрь

вазирлигининг аҳолининг кенг қатламлари орасида куйидагиларни ўз ичига олган **“Алпомиш”** ва **“Барчиной”** махсус тестларини ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

аҳолининг умумий жисмоний тайёргарлиги даражасига спорт нормативларини ва давлат талабларини белгилаш; аҳолининг турли ёшдаги гуруҳлари ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш;

юқори кўрсаткичларга эришган фуқароларни “Алпомиш” ва “Барчиной” I, II ва III даражали кўкрак нишонлари билан тақдирлашни жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестларни ўтказишни ташкил қилиш тўғрисида ҳукумат қарорини қабул қилсин.

15. Куйидагилар:

Марказнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш, шу жумладан, юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш бўйича сифатли чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан таъсирчан назорат ўрнатиш — **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳақимов**;

Марказ ва унинг худудий бўлиnmалари фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш, жамият соғлиқини сақлашни таъминлаш, аҳолини соғлом турмуш тарзига даъват қилиш бўйича чоралар кўриш, фуқароларда ўзининг ва атрофдагиларнинг саломатлиғи учун масъулият ҳиссини шакллантириш — **Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. К. Шоамонов**;

аҳоли, айниқса, ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оммалаштириш бўйича тадбирларни ташкиллаштириш ҳамда аҳолининг кенг қатламлари учун спорт иншоотлари ва инвентаридан фойдаланиш имкониятини таъминлаш — **Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д. Х. Набиев**;

таълим муассасалари ўқув дастурларига ўқувчиларни соғлом турмуш тарзини олиб бoриш ва жисмоний фаoлиғи даражасини оширишни таъминлаш тадбирларини киритиш, таълим муассасалари худудига ўқувчиларнинг салoматлиғига зийн етказадиган oзиқ-ovқат махсулoтлари сотилишига йўл қўймасин — **Ўзбекистон Республикасининг мактабгача таълим вазири А. В. Шин**, **халқ таълими вазири Ш. Х. Шерматов**, **олий ва ўрта махсус таълим вазири И. У. Мажидов**;

Концепция ва чoра-тадбирлар Дастурида белгиланган тадбирларни сифатли, ўз вақтида ва тўлиқ бажариш бўйича шахсий жавoбгарлик — **давлат органлари ва ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига** юклансин.

16. Марказ Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фoрoбий кўчаси, 2-ўй манзили бўйича жойлаштирилсин.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қoнун ҳужжатларига ушбу қарoрдан кeлиб чиқадиган ўзгaртириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

18. Мазкур қарoрининг иҳросини назoрат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арпoв, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчининг биринчи ўринбoсари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	
Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 18 декабрь	

этса, бу кўрсаткич пойтахтимиз — Тошкент шаҳрида 12 — 14 микрoрент-ген соатдан иборат экан.

Владимир ПОВАРОВ,
Нововоронеж АЭС директори:

— Мазкур атом электр станциясининг иш бошлангича 50 йил бўлди. Утган вақт давомида аτροφ-мухитга хавф тур-дирадиган бирoн-бир ҳoлатни қузатма-дик. Бу аҳолининг АЭСнинг нoжўй таъ-сири бўйича хавoтирларига умуман ўрин йўқ, дeгaнди.

Москва — кўркaм ва маҳoбатли мeгaпoлис. Шаҳар қўчаларoу oсмoн-ўпар биноларини ёритаётган ҳар учин-чи чирoқ айнан атом электрoстанция-сида ишлаб чиқарилган энepгия ман-баи ҳисoбидан порлаб турган бўлса, ажабмас.

Александр МЕРТЕН,
«Росатом» халқаро тармоғи
президенти:

— АЭС яшил энepгиянинг бир қисми ҳисoбланади. Биз яшил тўртлик, яъни сув, қуёш, шамoл ва атомни назарда тутяптим. Атом энepгетикaси аτροφ-мyхитга CO₂ моддаси тарқалишини кескин қисқартириш имкoнини бeради. Ўзбeкис-тон табиатиини асрашни истар экaн-миз, бунда атом энepгетикaси сингари ўзини ўзи қайта тикловчи манбалардан фойдаланишга ўтиш мумкиmdir. Атом энepгетикaси доимий ва барқарор электр энepгияни таъминлаб бeришда айни мyддaсoдир. Ўзбекистон Рeспyбли-каси Президенти бундай лoйиҳaни амaлга oшириш иқтисoдийёт қaтoри, бошқа қўллаб coҳалар ривoжига ҳам туртки бўлишини айтганда жуда ҳaқ эди. Ўзбeк-истонда Фaнлар aкaдeмияси, Ядро физикaси институти қабилар мавжyд бўлиб уларда ядро энepгетикaси бўйича мaлaкaли мyтаxaccислар ишлайди.

Ядро физикaси Ўзбекистон учун янгилик эмас. Юртимиз oлимлари 1956 йил-даёқ ядро физикaсининг бошланғич йўналишлари бўйича амалий тадқиқотларни олиб бoришган.

Бу йил юртимизнинг oлтимш нафарга яқин ёшлари Москва мyҳандислик физикa институтига тaнлов асосида ўқишга қабул қилинганни ҳам диққатга сазовор. Зeрo, улар кeлaжaқда coҳанинг eтyк мyтаxaccиси бўлиши билан бирга, Ўзбекис-тонда ишга тушириладиган АЭС ривoжига кaтта хисса қўшадилар.

Умуман айтганда, юртимизда АЭСни қуриш замирида бир мақсад ётади. Бу ҳам бўлса, республикамизнинг энг чекка ҳамда олис худудларидаги хонадонларга ҳам ёруғлик ва илқик олиб кириш, унинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда аҳоли турмуш даражасини янада оширишдир. Президентимиз ташаббуси билан ушбу эзгу мақсадлар сари қадамлар ташлангани жуда катта тарихий воқеадир.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил
мультимедиа маркази материаллари асосида
Раҳим ШЕРКУЛОВ тайёрлади.

Атом электр станцияси:

Унинг қурилиши бизга қанчалик фойда келтиради?

Яқин кeлaжaқда Ўзбекистонда атом электр станцияси (АЭС) қурилади. Бу ҳақда ижтимоий тармоқларда турли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Саволлар ўртага ташланяпти.

Хўш, АЭС қурилиши биз учун нега керак ва унинг аҳамияти нимада? Бу аτροφ-мухит ҳамда аҳоли яшаш тарзи учун нечоғлиқ хавфсиз? Атом энepгиясидан тинчлик мақсаdларида фойдаланиш қандай амалга оширилади?

Россия Федерацияси Нововоронеж АЭС фаoлияти билан яқиндан танишyв ана шу каби савoллaр ва масaлаларга oйдинлик киритди.

Жўрабек МИРЗАМАХМУДОВ,
«Ўзaтoм» агентлиги
бош директори:

— Ўзбекистонда АЭСни қуриш қарo-ри ўз-ўзидан, шунчaки қабул қилинган эмас. Бунинг учун ҳар томонлама чyқyр ҳaмда пyхта таҳлилй ўрганиш-лар олиб бoрилди, ҳoрижй таҳриба ва coҳaдаги замoнавий тендeнциялар эътибoрга oлинди. АЭСнинг қурилиши иқтисoдий зарурaт эди. Бoиси ҳoзир-ги кyнда аҳоли сoни кўпaйиши билан электр энepгиясига бўлган талаб ҳам oшиб бoряпти. Тaхминларга кўра, 2030 йилга бoриб, бyгyнгй кyндагйги нисбатан ушбу рeсyрсга бўлган талаб 2 барoбар oшиши кyтилmoқдa. АЭС қурилиши эса ана шундай мyраккаб масaлалар eчимида ва аҳоли фaрo-вoнлиғини таъминлашда кaтта роль ўйнайди.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг электр энepгиясига бўлган йиллик эҳтиёжи 69 млрд. киловaтт/соaт бўлгани ҳoлдa, ишлаб чиқариш ҳажми 64 млрд. кВт/соaтнй тaшкил eтaди. Дeмaк, oрадaги фaрқ талабга нисбатан 5 млрд. кaм. Бундан тaшқари, мазкур энepгиянинг қарийб 85 фoизи гaз, кўмир ҳисoбидан oлинca, aтиғи 15 фoизи гидрoэлектрoстaнциялар хиссaсига тўғри кeлa-ди. Мyтаxaccисларнинг фикрича, 2030 йилга бoриб, Ўзбекистоннинг электр энepгиясига бўлган эҳтиёжи 117 миллиaрд кВт/с.гa eтaди.

Бeҳзoд Йўлдошев,
Ўзбекистон Фaнлар aкaдeмияси
президенти:

— АЭСнинг юртимиз истикбoлидаги ўрни кaтта. Сaмaрaдoрлик ва эkoлoгик томондан атом энepгетикaсига тенг кe-

«Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида Ўзбекистоннинг нуфузи сўнгги икки йилда кескин ортди»

1➡ “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида Ўзбекистоннинг нуфузи сўнгги икки йилда кескин ортди. Глобал тузилма вакиллари Ўзбек заминда тез-тез меҳмон бўлиб, аввалги йиллар мобайнида султ бўлган ҳамкорлик соҳаларини жадаллаштириш бўйича муҳим келишувларни имзоладилар. “БМТ оиласи” Ўзбекистоннинг дунёга очилишини узоқ кўтди. Энди республика билан тўлақонли ҳамкорликни ривожлантириш учун барча имконият мавжуд”, дейилади “India Blooms”да чоп этилган мақолада.

Озарбайжоннинг “Trend” ахборот агентлиги расмий Боку расмий Тошкентни резолюцияни ишлаб чиқиш жараёнида тўла қўллаб-қувватлаганини маълум қилади.

“Президент Шавкат Мирзиёевнинг глобал ташаббусини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги лойиҳа матнини ишлаб чиқиш ва уни ҳамкор давлатлар билан келишиш бўйича тизимли ишлар олиб борди. Озарбайжон ҳам



маскур жараёнга ўз ҳиссасини қўшишдан бахтиёрдир”, деб ёзилади агентлик ахборотида. Озарбайжон билан биргаликда Жазоир, Бахрайн, Беларусь, Гана, Миср, Ҳиндистон, Қозоғистон, Канада, Қатар, Қирғизистон, Ливан, Марокаш, БАА, Умон Султонлиги, Покистон, Корея Республикаси, Россия, Саудия Арабистони, Сингапур, Судан, Тожикистон, Таиланд, Тунис, Туркменистон, Филиппин, Япония ва бошқа давлатлар ҳаммуаллифлари бўлди.

Хужжатда кўзда тутилган

қатор чора-тадбирлар, хусусан, жамиятда турли дин ва эътиқодлар ўртасида аҳиллини мустаҳкамлаш, уларнинг тарихи, анъаналари, тили ҳамда маданиятини юксалтириш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш, фаол илмий тадқиқотлар олиб бориш бўйича тақлифлар Озарбайжон томонида нихоятда катта қизиқиш уйғотди.

Шу ўринда **Франциянинг “L’Usine Nouvelle”** англиклар агентлиги хабарига яқинда АҚШ Давлат департаментининг Ўзбекистонни “алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар рўйхати”дан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилгани эслатиб ўтилади.

Кайд этилишича, Қўшма Штатлар Давлат департаменти



хар йили дунёда дин эркинлиги бўйича маъруза эълон қилади. Жорий йил Вашингтон “алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар рўйхати”дан фақат битта мамлакатни чиқардики, у ҳам бўлса Ўзбекистондир. Бу аса “L’Usine Nouvelle” мухбирларининг фикрича, ўз вақтида қабул қилинган тўғри қарор бўлиб, республикада кечаётган ижобий ўзгаришларнинг ҳар томонлама эътироф этилаётганидан далолат беради. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг қабул қилиниши расмий Тошкент ички сиёсат ва миллий иқтисодиётини мустаҳкамлаб, дипломатия майдониди тобора ўз позициясини кучайтираётганини кўрсатади.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Муносабат

Барчани эзгулик ва тинчликка ундайди

БМТ томонидан қабул қилинган “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг аҳамияти ҳақида халқаро экспертлар, “ақл марказлари” вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда. Юртимизда диний соҳада фаолият юритаётган мутахассислар ҳам ҳужжатнинг мазмун-моҳияти юзасидан қуйидагиларни айтиб ўтишди.



Шахзод ИСЛОМОВ, диншунос:

— Ушбу ҳужжатда жаҳонда экстремизм, терроризм балоси авж олиб, турли дин ва эътиқод вакилларига нисбатан муросасиз муносабатлар кузатилаётган бир вақтда глобал таҳдидларга қарши курашнинг самарали воситаси сифатида маърифат, таълим-тарбия масаласи илгари сурилгани, айниқса, аҳамиятлидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган тарихий нутқида ушбу долзарб масалага алоҳида тўхталиб: “Биз муқаддас динимизни азалий кадриятларимиз мукосса-мининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муро-са қила олмаймиз. Исло-м дини бизни эзгулик ва тинч-ликка, асл инсоний фази-латларни асраб-авайлашга

даъват этади”, дея таъкид-лаган эди.

Бундай адолатли ёнда-шув халқаро доираларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2017 йил 21 декабрдаги 2396-сонли резолюциясида: “Терро-ризм, зўравон экстремизм ҳеч бир дин, миллат ва ци-вилзация билан алоқадор эмас ва боғлиқ ҳолда талқин қилинмаслиги керак”, дея қайд этилди.

Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган “Маърифат ва диний бағ-рикенглик” резолюцияси-нинг тинчлик, осойишта-ликни сақлаш, диний бағ-рикенгликни таъминлашда-ги аҳамиятини қуйидаги жиҳатларда кўриш мумкин: аввало, резолюция Ўзбекистон Президенти-нинг диний-маърифий соҳага оид ташаббуслари нафақат халқимиз, балки халқаро жамоатчилик томо-нидан ҳам фаол қўллаб-қувватланаётганини кўрсата-ди.

Ўзбекистондаги Исло-м цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Тер-микий халқаро илмий-тад-қиқот марказлари, Ўзбе-кистон халқаро ислом ака-демияси — буларнинг бар-часи халқро даражадаги йирик лойиҳаларни. Ушбу ташаббусларнинг аҳамияти шуандаки, илм-маърифат, маданият замини бўлган Ўзбекистондан маърифий ислом гоялари тарқалиши, муқаддас динимизнинг асл инсонпарварлик таълимот-ларини ёйиш бўйича Мо-

вароуннахрда шаклланган тарихий мактаблар анъана-сининг давом этиши “Жа-ҳолатга қарши маърифат” билан курашишнинг энг са-марали ечими бўлади.

Қолаверса, “Маърифат ва диний бағрикенглик” ре-золюцияси дунё жамоатчи-лигини безовта қилаётган терроризм, экстремизм, зўравонлик, муросасизлик каби бугунги кўннинг ўткир муаммоларига ечим сифа-тида илм-маърифат, ўза-ларга адолатли ва бағри-кенг ёндашув ҳамда тинч-ликпарвар сиёсатни тар-ғиб қилади.

Дунёнинг етакчи эксперт ва илмий доиралари вакил-лари таъкидлаётганидек, хавфсизликка таҳдидларни куч ишлатиш йўли билан-гина ҳал этиш усули бугун-ги кунда қўтилган натижа-ни бермапти.

Жаҳон бўйлаб экстре-мистик ташкилотларнинг 38 йиллик фаолияти таҳ-лиллари шуни қўрсатмок-даки, радикал гуруҳлар фаолиятининг 7 фоизи қўролли аралашув натижа-сида тўхтатилган бўлса, уларнинг 40 фоизи тинч йўл билан — сиёсий музо-каралар ўтказиш воситаси-да барҳам тогган.

Ўзбекистоннинг Афғонис-тон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш, Марказий Осиё минтақасида ҳаф-сизлик ва барқарор тарақ-қиётни қўллаб-қувватлаш борасидаги тақлиф ҳамда ташаббуслари ҳам маскур гояни ўзида ифода этади.



Уйғун ҒАФУРОВ, Тошкент ислом институти ректори:

— Мамлакатимизда Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан тако-миллаштириш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, “Жа-ҳолатга қарши маърифат” гояси асосида мисли қўрилмаган одимларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз.

БМТ Бош Ассамблеяси-да “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюция-сининг бир овоздан қабул қилиниши, АҚШ Давлат департаментининг диний эркинликлар масаласида “алоҳида хавотир уйғота-диган давлатлар рўйхати”-дан Ўзбекистоннинг чиқ-рилиши Президентимиз-нинг турли миллат ва кон-фессиялар ўртасида ди-ний бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ҳамда бирдамлик муҳитини мустаҳкамлаш, конфессиялар, миллатлар ва маданиятлараро муло-котни қўллаб-қувватлаш ҳамда асрашга қаратилган ишчил ва пухта уйланган стратегияси халқаро ҳам-жамият томонидан тўла қўллаб-қувватланаётгани-нинг яққол далилидир.

Маскур резолюция Ўзбе-кистоннинг дунёда тинчлик ўрнатиш, низо ҳамда зид-диклар олдини олиш, му-росасизликнинг ҳар қандай кўринишига чек қўйиш бо-расидаги долзарб ташаб-буслари халқаро майдонда муносиб эътироф этилаёт-ганидан дарак беради.

«Халқ сўзи» мухбири Омонулла ФАЙЗИЕВ ёзиб олди.

Тадбир Бекор ётган 48 150 та объект аниқланди

Президентимизнинг жорий йил 4 сентябрдаги “Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори давлат объектиларини мулкдорларга бериш жараёнини соддалаштириш, маҳаллий ҳокимлик органлари ваколатларини кенгайтириш, мулкдан самарали фойдаланиш йўлидаги ишларни янада жадаллаштириб юборди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасида “Фойдаланил-маётган ишлаб чиқариш майдонлари: таҳлиллар, имкониятлар ва истиқбол-лар” мавзусида бўлиб ўтган форумда айтиб ўтилди.

Қарор ижросини таъмин-лаш юзасидан амалга оши-рилган ишлар натижасида 48 150 та бўш ва фойдала-нилмаётган объект мав-жудлиги аниқланган. Айни пайтда Идораларро ко-миссиялар томонидан ҳар бир объекта индивидуал ёндашилиб, мулкдорлар билан музокаралар ўтка-зилмоқда. Натижада улар-ни қийнаётган муаммолар-ни бартараф этиш ҳисоби-га ҳозиргача 15 205 та инвестициявий лойиҳа иш-лаб чиқилган. Ишга туши-рилган лойиҳалар сони эса 4 254 тани ташкил этиб, 15 минг кишининг бандли-ги таъминланди.

Умуман, лойиҳаларнинг тўлиқ рўёбга чиқарилиши орқали худудларга 11 трил-лион сўмликдан ортиқ ху-сусий инвестициялар жалб этилиши ҳамда 40 мингдан зиёд иш ўринлари ярати-лиши мўлжалланаётгани диққатга сазовордир.

Дилшод УЛУГМУРDOV, «Халқ сўзи» мухбири.



ИНСОН АРДОҚЛАНГАН ЖОЙДА АЗИЗ

1➡ Аҳолининг уй-жойга бўлган талаби ҳар бир жамиятга дахлдор масаладир. Маскур талабнинг изчиллик билан қаноатлантирилиши кўплаб ижтимоий муаммоларнинг олдини олади. Буни рақамларда ифодаласак, тадбиркорлик субъектлари томонидан 2016 йилда вилоят бўйича 19 та, 2017 йилда 14 та, 2018 йилда 8 та кўп қаватли уй қўрилиб, жами 1 869 оила уй-жой билан таъминланди. 2019 йилда эса яна 16 та кўп қаватли уй бунёд этилиб, 676 та оиланинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи қаноатлантирилади.

— Ўтган йили ўғлимни уйлантирдим, — дейди Навоий шаҳридаги Гулистон масси-видан икки хонали уй-жой олган Ойгул Юсупова. — “Минор миллениум” МЧЖга мурожаат этгандим, икки кунга қолмай хо-надонимиз калитини топширишди. Қувонар-лиси, қурилиш-пардозлаш ишлари жуда си-фатли амалга оширилган. Нархлари ҳам маъқул.

“Минор миллениум” МЧЖ “Тинчлик” ком-панияси тизимидаги корхоналардан. Ком-

пания таркибида бетон плита, гишт ва йўлак пиллапооялари ишлаб чиқариш цехлари фаолиятининг йўлга қўйилганлиги, яъни мас-кур маҳсулотларнинг биринчи қўлдан оли-ниши уй-жойлар таннаҳини бир қадар ар-зонлаштирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг жорий йил 24 ноябрдаги “Қишлоқ жойлар-да ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги эзгу амалларни янада жадаллаштирди. Яъни шу асосда Навоий вилоятида 2019-2020 йилларга мўлжаллан-ган кенг қўламдаги чора-тадбирлар дасту-ри ишлаб чиқилиб, унга кўра, 696 та арзон уй қурилиши режалаштирилган.

— Маскур дастур асосида ҳар йили Му-доффа вазирлиги хизматчилари, қўтқарув-чилари ва ходимлари учун 30 та, Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларига 30 та, ички ишлар органлари ходимлари учун 60 та, ало-ҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар учун 48 та, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қол-

ган хотин-қизларга 64 та квартира ажрати-лади, — дейди вилоят ҳокимлиги қотибият мудири Акбар Нисёзов. — Шунингдек, энди-ликда муҳандислик-транспорт коммуникация тармоқларига уланмаган, узлуксиз электр ва сув таъминоти йўлга қўйилмаган уй-жойлар фойдаланишга қабул қилинмади.

Умуман, вилоятнинг шаҳар ва қишлоқ жойларига аҳолининг уй-жойга бўлган эҳти-ёжини қаноатлантириш мақсадида ишлаб чиқилган дастурга кўра, 2018 йилда 1 652 хонадонли тўрт хил лойиҳадаги ту-раржойни бунёд этиш режалари тасдиқлан-ган. Уларнинг аксарияти халқимизнинг энг улуг байрамлари арафасида ўз эгаларига топширилганлигини инобатга олсак, шунча хонадонда ҳар бир айём қўшалоқ шўхуқ би-лан нишонланмоқда. Энг муҳими, фуқаро-ларнинг эртанги кунга ишончи ортиб, дип-ларига ҳаётдан розилик ҳисси ўрин олмоқда.

Темур ЭШBOEV, «Халқ сўзи» мухбири.

Азамат ЗАРИПОВ олган суратлар.

«Мен ҳам шу юрт фуқаросиман!»

Президентимиз мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги изчил саъй-ҳаракатлар натижасига алоҳида тўхталиб, узоқ йиллар мобайнида юртимизда истиқомат қилиб, жамият равнақига катта ҳисса қўшиб келаётган кўплаб инсонлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинганини қайд этди. Шунинг узиёқ биз инсонпарвар демократик жамият қуриш йўлидан дадил одимлаётганимизни кўрсатади.

Бадритдин ШОРИХСИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғи, полковник:



— Мамлакат фуқароли-гига қабул қилиш инсон ҳуқуқларини таъминлашда, унинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришида асосий омиллардандир. Юртимиз-да бу борада бир қатор эзгу ишлар амалга ошири-лаётгани ватандошлари-мизнинг бир умрлик орзу-лари рўёбига хизмат қилляпти. Ўзингиз тасаву-р қилиб кўринг, биз билан елкама-елка ишлаб, Ватан

равнақига муносиб ҳисса қўшган ҳолда, мен шу юрт фуқаросиман, деб ба-ралла айтолмасам, инсон ўзини бахтли ҳис қилиши мумкинми?! Президенти-мизнинг 2016 йил декабр-даги Фармонидан бошлаб бундай шахсларни фуқа-роликка қабул қилиш ишлари тизимли йўлга қўйилгани бунга имкон берди. Ҳозирги кунгача ана шундай саодатга муюссар бўлганлар сони 3 минг 672 нафарга етди. Бу жараён жадал давом эттирилмоқда.

Нуриддин ОЧИЛОВ, Мирзо Улугбек туманидаги “Боғимайдон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:



— Бизнинг худудда ҳам Ўзбекистон Республикаси

фуқароси бўлишни орзу қилиб юрганлар бор. Яқин-да улардан бири — Умида Сафарованинг бу нияти рўёбга чикди. Давлатимиз раҳбари Фармони билан фуқароликка қабул қилин-ди. Эсласак, улм-маърифат, маданият замини бўлган фуқаролиқ билан бирга мас-лаҳат бердик ва ҳужжат-ларини тайёрладик, тав-сифнома ёздик. Орадан кўп ўтмай қувончи воқеа-ни эшитдик. Айни кунлар-да яна бир неча кишига ҳам кўмак бериш ҳарака-тидамыз.

Гулнора МАТРИЗАЕВА, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг акушерлик ва гинекология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари номзоди:

— Ўзим Туркменистон-да туғилганман. 1992 йил Хоразм вилоятига келин бўлиб тушдим. Шундан буён Ўзбекистон мен учун ҳам Ватан. Турмуш ўртоғим билан уч нафар фарзандни



тарбиялаб вояга етказяп-миз. Тўй-маъракаларда эл орасидамиз. Кўп йилдан буён Тошкент тиббиёт



академиясининг Урганч филиалида талабаларга сабоқ бериш баробарида, илмий изланишлар олиб боряпман. Жамоада ҳам-касблар ва талабалар, ма-ҳаллада кўни-қўшни хур-мат-эътибориданман. Фақат бир нараса юрагим туби-да армон бўлиб келарди. Яъни шу юртда чорак ас-рдан буён яшасам-да, фуқароликка эга эмасдим.

Президентимиз Фармо-ни билан Ўзбекистон Рес-публикаси фуқаролигига қабул қилиндим. Бунинг учун давлатимиз раҳбари-дан умрбод миннатдор-ман. Меҳр-оқибатли мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлганимдан гурурланаман.

«Халқ сўзи» мухбири Зокир ХУДОЙШУКУРОВ ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

қуйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилади:

- Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси кафедраси — кафедра мудири (фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science));
- Муסיқа назарияси кафедраси — кафедра мудири (фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science));
- Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси — кафедра мудири (фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science));
- Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси — кафедра мудири (фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science));
- Халқ чолгуларида ижрочилик кафедраси — профессор, катта ўқитувчи;
- Академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси — катта ўқитувчи;
- Муסיқа назарияси кафедраси — катта ўқитувчи;
- Оркестр чолгулари кафедраси — катта ўқитувчи;
- Вокал ва чолгу ижрочилиги педагоглари тайёрлаш кафедраси — катта ўқитувчи, ўқитувчи;
- Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси — катта ўқитувчи.

Танловда қатнашиш учун даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- ходимлар шахсий варақаси;
- олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;
- ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати;
- мутахассислик бўйича охириги уч ўқув йилида малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхалари.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.

Хабар

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази ҳамда Халқаро робототехника олимпиадаси кўмитаси — “IROC” (International Robot Olympiad Committee) ўзаро англашув меморандумини Филиппиннинг Манила шаҳрида имзолади.

Халқаро олимпиада ўтказилиши мўмкин

Маълумки, жорий йилнинг 23 — 26 ок-тябрь кунлари Инно-вацион ривожланиш ва-зирлиги томонидан “International Robotics Challenge” халқаро ро-бототехника мусобақа-си ташкил этилганди. Шу муносабат билан Халқаро робототехни-ка олимпиадаси кўми-таси Тошкентда ўтка-зилган беллашув асосий ташкилотчилар-ини 15 — 19 декабрь кунлари Филиппиннинг Манила шаҳрида бўлиб ўтаётган “IRO” (Халқаро робототехни-ка олимпиадаси)нинг финал босқичига тақ-лиф этди.

Таъкидлаш жоизки, халқаро робототехника олимпиадаси 1999 йил-дан буён ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб келинади. Унда маскур соҳа му-тахассислари, олим-лар иштирок этади.

Ўзаро англашув ме-морандумига кўра, Ин-новацион ишланма-ларни жорий этиш ил-мий-амалий маркази Халқаро робототехни-ка олимпиадаси кўми-тасининг ўзбекистон-даги расмий вакили этиб тасдиқланди. Эн-диликда марказ Халқ-аро робототехника олимпиадаси кўмита-сининг худудий му-собақасини ўтказиш имтиёзига эга бўлиб, Ўзбекистондан миллий терма жамоани са-ралаб олади ва халқ-аро мусобақада ишти-рокини таъминлайди. Қолаверса, келгусида “IROC” халқаро олим-пиадасини мамлакат-мизда ўтказиш имко-нияти пайдо бўлди.

Дилмурод СОДИҚОВ.

ЭЪЛОН

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмомов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаххих — С. Исломов.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.


